

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2020 йил “26” декабрдаги  
28/24 - сонли қарорига  
4 - илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазирлик  
ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш  
соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш**

**ТАРИХИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вазирлик ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш Тартиби (бундан буён матнда – Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонун ҳужжатлари, Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ва қоидаларини белгилайди.

3. Марказий банкнинг мазкур тартиб доирасида вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилишдаги асосий вазифалари:

ҳар қандай шакл ва кўринишдаги коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларида иштирок этиш;

Марказий банк ходимларини коррупцияга аралашиш хавфини камайтириш;

Марказий банк нуфузини сақлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида коррупцияга олиб келадиган омиллар, шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда коррупцияга қарши курашишда очиклик ва шаффоффликни таъминлаш;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш.

4. Марказий банк вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда:

-тренинглар, семинарлар, давра сұхбатлари (шу жумладан замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда масофавий онлайн курслар, вебинарлар) ўтказиш орқали Марказий банк ходимларининг коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги ҳуқуқий онгини янада ошириш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз муносабати шакллантириши;

-ўзаро ахборот алмашиш, маслаҳат олиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши;

-коррупцияга қарши қурашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандум ёки тартиблар имзолаши;

-қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда коррупция ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига аниқлик киритиш, олдини олиш бўйича сўровлар юбориши;

-зарур ҳолларда, бошқа вазирлик ва идораларнинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш бўйича сўровларига қонун ҳужжатлари талаблари доирасида жавоб бериши мумкин.

5. Марказий банк томонидан ходимларнинг лавозим вазифаларини бажаришда коррупцияга оид жиноят ёки ҳуқуқбузарлик аломатлари борлиги тўғрисида аниқ фактлар ёки далиллар аниқланган тақдирда ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

6. Марказий банк тизимидағи барча таркибий бўлинмалар, ҳудудий бош бошқармалар ва тасаррӯфдаги корхоналар томонидан коррупцияга қарши қурашиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш юзасидан барча турдаги маълумот алмашинуви комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма билан келишилган ҳолда махфийлик, банк ва бошқа сирлар билан ишлаш қоидаларига тўлиқ риоя этилган ҳолда амалга оширилади.